



МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ “ҒАЛАБА БОҒИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ

1 БОБ: “ҒАЛАБА БОҒИ” ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ

3 МАШГУЛОТ: “ШОДУ-ХУРРАМЛИК” ҲУДУДИ

Тошкент ш. 2021 й.

“ТЕРАКЗОР” фаввораси



“Галаба боғи” марказида ўрнатилган “Теракзор” фаввораси даҳшатли урушдан кейинги, янги, фаровон ҳаётни акс эттирувчи рамзий композициядир. Композиция концепцияси тарихий ўзбек удумларига асосланган ҳолда яратилган. Янги оиласи ўғил фарзанд дунёга келганда, ота фарзанди учун тераклар эккан. Фарзанд вояга етиб, оила қуриш вақти етганда, ушбу тераклар янги оила учун қуриладиган уйнинг асосий хом ашёси – “синч” вазифасини ўтаган. Фаввора ҳам ўз ўрнида рамзий маънога эга. У қувонч ва баҳт, тикланиш ва янги баҳтли ҳаётга умид ҳиссини акс эттиради

“БАХТЛИ БОЛАЛИК” фаввораси



Навбатдаги ҳудуд “бахтли болалик” деб номланиб, бу ҳудудда болалар тимсолида фонтан шакллантирилган. Ушбу экспонат фронт олди ҳудудларидағи болаларни ўзбек оиласлари томонидан асраб олиниши, турли миллат фарзандлари бир оила бўлиб баҳтиёр ҳаёт кечиришини, ўзбек заминининг чинакам бағрикенглигини намойиш этади.

Ўзбекистон болаларга фашизм томонидан тортиб олинган болаликни қайтариб берди. "Бахтли болалик" инсталляцияси эвакуация қилинган болалар сувда югуришларини, ўйин ўйнашларини ва уларнинг юзларидаги шодликни кўрсатади

“ҒАЛАБА ОРДЕНИ” фавораси



Бу худуд матонат тимсолларини акс эттирган бўлиб, халқимиз кўрсатган жасорат орқали эришилган ғалабадан ҳар доим фаҳр, ифтихор ва ғурур туйғуси билан яшаш, доим тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, тинчлик учун курашганлар руҳини ёд этиш ғоясини ўзида мужассам этган. Иккинчи жаҳон урушининг энг олий ордени “Ғалаба” орденини ўзида акс этган фонтан, уруш даврининг суронли йилларини ифодалаб, тинчликдек неъматнинг қадрига етишни, фаровон кунларни асрраб-авайлашни ўргатади.


“ГАЛАБА” монументи



Мазкур монумент фашизм устидан қозонилган ғалабани нишонлашнинг рамзий ифодаси бўлиб, уруш бошланишидан Ғалабага қадар бўлган узоқ масофани босиб ўтган аскарларнинг самимий қувончини, қозонилган ғалабани акс эттиради. Ёдгорлик Иккинчи жаҳон уруши йилларида жанг қилган аскарлар шарафига қурилган.

Халқимизнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишда синмас ирода ва жасорат кўрсатган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини шарафлаш, ҳозирги тинч ва осойишта кунлар учун босқинчиларга қарши қурашиб ўз ҳаётини қурбон қилган аждодларимизнинг эзгу ишларини давом эттириш биз учун юксак қадрият эканлигини уқтиради.

Музей кираверишидаги барельефлар



Иккинчи жаҳон урушида эришилган буюк Ғалаба фронтдаги ва фронт ортидаги инсонларнинг жасоратлари, мешақатли меҳнатлари эвазига қўлга киритилган. Ўзбекистон географик жиҳатдан фронтдан узоқда жойлашганлигига қарамасдан умумий душман устидан ғалаба қозониш учун бутун инсоний ва иқтисодий имкониятларини ишга солди. Музей кираверишида жойлашган барельефдаги лавҳалар ўша кунларнинг ёрқин мисоли бўла олади.

“Шон-шараф” давлат музейи кираверишининг марказий қисмда Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий тузилмасини ўзида мужассам этган бадиий ёдгорлик композицияси ўрин олган. Мазкур композиция Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабага қўшган ҳиссасини ифодалайди.



“МАНГУ ЖАСОРАТ” монументи



Жанг майдонидаги
ғалабани акс
эттирувчи рамзий
тепаликда “Мангу
жасорат” номли
улуғвор ёдгорлик
ўрнатилган. Ушбу
ёдгорлик генерал
Собир Рахимов ва
Иккинчи жаҳон
урушида жасорат
кўрсатган қаҳрамон-
ларга бағишланган.



Биринчи ўзбекистонлик генерал Собир Рахимов 1902 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 1941 йилдан фронтда. 37-гвардиячи ўқчи дивизия командири. Генерал-майор. Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 1945 йил 26 марта Польшанинг Гданск қалъасини озод қилишда ҳалок бўлган. 1941-1945 йилларда Кавказдан Гдансккача бўлган жанговар йўлни турли командирлик лавозимларида босиб ўтган



Шоди ШОИМОВ. 1925 йил Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз тумани Арабон қишлоғида туғилган. 1942 йил феврал ойида армияга чақирилган. Оддий аскар. 1266-ўқчи полки (2-Белоруссия фронти, 50-армия, 385-ўқчи дивизияси) автоматчиси.

1944 йил 27 июлида Днепрни кечиб ўтишдаги жангларда ўқ - дориси қолмаганидан сўнг душман билан қўл жангига киришиб 13 фашистни ер тишлатди ва шу жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. 1945 йилда вафотидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.



Аҳмаджан ҚУРБОНОВ. 1921 йил Самарқанд вилоятининг Шерқўрғон қишлоғида туғилган. 1941 йил армияга чақирилган. Майор. 128-ўқчи полкининг батальон командири. 1944 йил сентябрида Белоруссияни озод қилишда Бобруйск яқинида чалғитувчи манёвр қўллаб Аҳмаджон Қурбоновнинг батальони Нарев дарёсидан муваффақиятли кечиб ўtdи ва унинг ғарбий қирғоғида плацдармларни эгаллади. Ҳужумни давом эттириб батальон муҳим тепаликни эгаллади ва Сивешено қишлоғининг шимоли-шарқида шоссени кесиб қўйди. Фақатгина битта жангда Аҳмаджон Қурбоновнинг жангчилари душманнинг 6 танки, 4 бронетранспортёри, 185 офицер ва аскарларини яксон қилди. Душманнинг 12 аскари асир ҳамда жангга яроқли немис танки ўлжа қилиб олинди. Жасорати, матонати ва ўз бўлинмасини моҳирона бошқаргани учун майор Аҳмаджон Қурбоновга 1945 йилда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.



Амирали САИДБЕКОВ. 1920 йил Фарғона вилоятининг Сўх тумани Рован қишлоғида туғилган. 1939 йил армияга чақирилган. Гвардиячи катта лейтенант. 129-гвардиячи ўқчи дивизияси 325-гвардиячи ўқчи полки рота командири.

Рота командири катта лейтенант А.Сайдбеков Собрансе (Словакия) ҳудудини озод қилишда ўз ротаси билан 1944 йил 23 декабрда кўп сонли душманга қарши чиқиб 50 гитлерчини қириб ташлади, 5 тўп, 25 автомат ва ўқ-дори омборини қўлга киритган. Душманинг қарши хужуми оқибатида қуршовга тушиб қолган ротасини қуршовдан олиб чиқкан. 1945 йил 8 апрелида Сайдбековнинг ротаси Польшанинг Рогув ва Домбров аҳоли пунктларида душманинг бир нечта хужумларини қайтарди. Ушбу жангда Амирали САИДБЕКОВ қаҳрамонларча ҳалок бўлди. 1945 йилда унга вафотидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони увони берилган.



Самиғ АБДУЛЛАЕВ. 1917 йил 25 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. 1941 йил июндан фронтда. 97-алоҳида моторлаштирилган инженер-сапёрлар батальони сапёрлар бўлинмаси командири. Сержант, 1943 йил кузида Кубан дарёси қуий оқими ва Таман ярим оролини немис-фашистлардан озод этишда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган. 1943 йил 16 сентябрда Красний посёлкаси районида кечаси танкларга йўл очиб бериш мақсадида миналарни зарарсизлантиришга киришди. Самиғ Абдуллаев 97 та минани жойидан ковлаб олади ва 37 донасини унинг ўзи зарарсизлантиради. Матонати, жасорати учун унга 1944 йил 16 майда Совет Иттифоқи Қаҳрамони увони берилган.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби.



Мамадали ТОПИВОЛДИЕВ. 1919 йил 20 сентябрда Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги Пандигон қишлоғида туғилган. 1939 йилдан Совет Армиясида. 1941 йил июндан фронтда. Афсонавий партизан-разведкачи. Белоруссияда ҳаракатланган “Чекист” партизан отрядининг разведкачиси, “Казбек” тахаллуси билан машхур қўрқмас партизан Мамадали Топиволдиев душманинг 67 аскар ва офицерини ўйқ қилиб, 180 тасини асирга олган. Унга 1944 йилда Совет Иттифоқи Қаҳрамони увони берилган.

Мамадали Топиволдиев 1969 йил 7 майда фожиали равишда ҳалок бўлган



Авиация катта лейтенанти Абдусаттор ЭШОНҚУЛОВ Суворов орденли 62-Гродно штурмчи авиация полкининг звено командири. 1916 йилда Тошкентда туғилган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1945 йил).

100 марта жанговар парвозни амалга оширган, душманинг 10 танкини, 69 автомашинасини, 1 темир йўл эшелонини, 100 ларча аскар ва офицерларини ўйқ қилган Совет Иттифоқи Қаҳрамони увонига сазовор бўлган биринчи ўзбекистонлик ҳарбий учувчи.



Аҳмаджон ШУКУРОВ. 1909 йил 5 июнда Фарғона вилоятининг Шаварди қишлоғида туғилган. 1931-1933 йилларда ва 1942 йил августидан армияда хизмат қилган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1943 йил 27 август).

Орёл шаҳри остоңларида жангларда Золотарёвка қишлоғини озод қилиш учун бўлган қаттиқ жангларда Аҳмаджон Шукурев душманнинг 110 аскар ва офицерини яксон қилди ҳамда 15 тасини асир олди. Унинг кўрсатган жасорати рамзи сифатида Золотарёвка қишлоғига Шукуревка деб ном берилди.



Қудрат СУЮНОВ - 1919 йил Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги Ингичка қишлоғида туғилган. Марказий фронтнинг 73-ўқчи дивизияси 109-ўқчи полки отделение командири. 1943 йил 12 сентябрида Қ. Суюновнинг отделениеси Украинанинг Чернигов вилояти Оболоне қишлоғи яқинида Десна дарёсининг ғарбий соҳилида плацдармларни кенгайтиришда иштирок этди. Ушбу жангда Қудрат Суюнов бўлинмани олдинга ҳаракатланишига тўсқинлик қилаётган душманнинг ўт очиш нуқтасини шахсан яксон қилди, ўзи ҳам қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

1943 йил 16 октябрда унга жанговар вазифани муваффақиятли бажарганлиги ва бунда кўрсатган жасорати ва матонати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди (вафотидан сўнг).



Боис ЭРГАШЕВ – 1921 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган. Армияга шу ердан чақирилган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1944 йил 22 феврал).

Қизил байроқли 60-гвардиячи Павлоград ўқчи дивизияси, 132-гвардиячи артиллерија полка 8-батареясини разведкачиси.

Гвардиячи старшина Б.Эргашев 1943 йилнинг 26 октябрида Днепр дарёсини кечиб ўтишда қўмондонлик билан алоқа тизимини ўрнатиш мақсадида душман ўқ ёмғири остида Днепр дарёсидан телефон линиясини ўтказишни таъминлаган.



Ботир БОБОЕВ. 1914 йил 15 майда Тошкентда туғилган. Молия органларида ишлаган. 1942 йил августдан фронтда. 118-гвардиячи артиллерија полкида артиллерија батареяси командири, катта лейтенант.

1945 йил январда Польшанинг Оборники шаҳри учун бўлган жангларда унинг батареяси хужумга ўтган душманга қарши тўплардан ўт очиб душманинг батальонини, бешта танкини ва иккита ўзи юраси артиллерија қурилмаларини яксон қилди. Ботир Бобоев контузия олганлигига қарамасдан жанг майдонини тарқ этмади. Польша-Германия чегараси яқинида Варта дарёси бўйларида Ботир Бобоевнинг артиллерија батареяси душман ротасини, иккита танкини, учта ўзи юраси артиллерија қурилмаларини тўғридан-тўғри отиш билан йўқ қилди. Биринчилардан бўлиб унинг батареяси кам талофатлар билан Одерни кечиб ўтди. 1945 йил 31 майдаги Хукумат қарори билан унга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди



Муқаддам АШРАПОВА. Шифокор-хирург, профессор, 1943 йилда Совет армияси сафига кириб, 1 - Украина фронтларида биринчи гвардиячи армиясининг ҳарбий госпитали ўқчилар полки ва тиббий-санитария батальонида шифокор бўлиб хизмат қилган. Кунига 200 га яқин оғир операцияларни амалга оширган. Жанговар хизматлари учун биринчи даражали «Ватан уруши» ордени билан мукофотланган



Иноят НАВРЎЗБОЕВ. 1918 йил 10 сентябрда Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманида туғилган. 1941 йил декабрдан Совет Армиясида. 1942 йил бошидан фронтда. 933-ўқчи полки (Воронеж фронти 52-армиянинг 254-ўқчи дивизияси) пулемётчisi, оддий аскар Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1944 йил 22 феврал).

1943 йил 17 октябр Днепр йўналишидаги Крещатик қишлоғи учун бўлган жангларда 12 гитлерчи ва уч ўқ отиш нуқтаси, шунингдек ўқ дори омбори, юк машинасини яксон қилган.



Зебо Фаниева. 1924 йил Андижон шаҳрида туғилган. 1941 йилда Москвадаги театр институти талабаси эди.

1941 йил октябр ойидан Москва остонасида ўқчи дивизиясида пулемётчи, кейинчалик снайпер бўлиб хизмат қиласи. 28 та фашист жангчиларини яксон қилган. Москва остонасидаги мардоновор жанглари учун “Қизил байрок” ордени билан мукофотланган.



Плис НУРПЕЙСОВ. 1919 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туманида туғилган. 1939 йил армияга чақирилган. Гвардиячи катта лейтенант. 2-Белоруссия фронти, 47-алоҳида гвардиячи полки учувчиси. 1945 йил 18 августда вафотидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.

Учувчи кузатувчи П.Нурпейсов 1944 йил марта 1945 йилнинг апрелигача экипаж таркибида 106 марта жангга кирган ва учиш вақтида радионавигация воситаларидан усталик билан фойдаланган. Биринчилардан бўлиб Берлин, Кенигсберг, Данциг, Гдиня, Штеттин ва шу каби бошқа йирик шаҳарлар, темир йўл тугунларига, сиёсий марказларга разведка мақсадида ва уларни суратга олиш учун учган ва усталик билан разведка олиб бориб, душманнинг Днепр, Беризино дарёлари ёқасида, СССРнинг Фарбий давлат чегарасида мудофаа иншоотлари системасини аниқлаган.

ТОМОША МАЙДОНЧАСИ



Музей төпасида айланма йўл бўйлаб кўтарилиш ва тушиш мумкин бўлган томоша майдончаси жойлашган.
Бу ердан бутун парк кафтдагидай кўринади.



Ушбу айланма йўл четида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган уруш қатнашчиларининг исмлари ёзилган ёдгорлик тошлари жойлаштирилган. 301 нафар ўзбекистонликлар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, 70 киши эса “Шуҳрат” орденининг учала даражаси билан тақдирланган.

ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ



Темир йўл вокзали – уруш йилларида “Нажот йўли” бўлиб хизмат қилган. Фашизм устидан қозонилган Ғалабага Ўзбекистонинг қўшган улкан хиссаси, уруш худудларидан аҳолини, олий таълим муассасаларини, саноат объектларини, яраланган ҳарбий хизматчиларни мамлакатимизга олиб келиш, Ўзбекистондан фронтга жанговар техникаларни, ўқдори, дори-дармон ва озиқ-овқатларни етказиб беришдаги фидоийлик ва жасоратини намоён қиласди. Ўзбек халқининг меҳнатсеварлик, метин иродаси ва матонати, халқпарварлик туйгулари қанчалик юкори бўлганини кўрсатиб беради. Вокзал ўзбекистонликларнинг фронт ва фронт орти ҳаётини боғлаб турувчи кўприк вазифасини ҳам тўлақонли бажарган десак муболага бўлмайди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбекистонлик темирйўлчиларнинг буюк Ғалабага қўшган хиссаси



Мирбобоева Башорат Тўлагановна-ўзбек аёллари ичида осмонни забт этган биринчи парашютчилардан. 1937-йилдан бошлаб ўзбек аёллари ичида биринчи паровоз машинисти эди. Уруш йиллари кўп маротаба Ўзбекистонда тайёрланган маҳсулотларни паровоз машинисти сифатида фронт орти ҳудудларига душман самолётларининг ҳужумига қарамасдан етказиб берган. 1941-йилнинг 29-декабрида Ўзбекистон Хукумати раҳбари Йўлдош Охунбобоев бошчилигидаги биринчи ўзбек делегацияси аъзоларини Жанубий-ғарбий фронтга етказиб борган. Урушдан кейинги йилларда СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати сифатида фаолият юритган.



Исмоилов Тўхтаназар - 1924 йилда туғилган. Оддий аскар. Иккинчи жаҳон урушида 1942 йилнинг ноябридан 1945 йилнинг январигача З-ҳаво десант қўшинларида жанг қилган. “Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медали билан тақдирланган.



Абдураимов Маҳмуд-сержант 1919 йил туғилган. Урушга Белоруссия тупроғида кирган. У 1939-йилдан армия сафида артиллерия полкида хизмат қилган. 1941-йил октябр ойида 1-Белоруссия фронти таркибидаги 1-зенит артиллерия полкида жанг қилган. Жангдаги довюраклиги учун “Қизил юлдуз” ордени, “Кавказ мудофааси учун”, “Германия устидан қозонилған ғалаба учун” медаллари билан тақдирланған.



Акрамов Аббос Умарович-оддий аскар. 1918 йилда туғилған. 1942-йилнинг май ойигача 11-дивизия 142-ўқчилар полки таркибиде жангларда иштирок этган. Польша ва Германияни озод қилишда қатнашған. “Германия устидан қозонилған ғалаба учун” медали билан тақдирланған.



Маллаев Алимжон Мүминович - катта лейтенант. 1916-йилда туғилған. 1938-йил июн ойидан 1948 йил феврал ойигача хизмат қилған. У 65-Дон армиясида, кейин 5-танк армиясида ўқчилар бўлинмаси командири лавозимида хизмат қилған. Москва, Киев ва Сталинградни фашист босқинчиларидан озод қилған. Польша ва Чехославакияни озод қилишда қатнашған. Уруш пайтида у кўп марта яраланған ва снаряд парчаси тегиб жароҳатланған, аммо уйга ғалаба билан қайтған. Жангларда кўрсатған жасорати ва қаҳрамонликлари учун 1 ва 2 даражали “Ватан уруши ордени”, “Қизил юлдуз”, “Александр Невский” орденлари ҳамда “Жасорати учун”, “Сталинград мудофааси учун”, “Москва мудофааси учун”, “Германия устидан қозонилған ғалаба учун” медаллари билан тақдирланған.

“Темир йўл вокзали” музей ичида меҳнаткаш халқнинг уруш даврида фронтга озиқ-овқат, ўқ-дори, доридармон етказиб бериши, уруш давридаги вокзал ҳаёти экспонатларида яққол акс эттирилган.



Санитар поезди макети



Эвакуация қилинганлар



Жангчилар фронтга жўнаб кетиш олдидан



Темир йўл коменданти иш устида



Аҳоли томонидан фронтга озиқ-овқат жўнатилиши

Уруш йилларида ҳарбий санитар поездлари



“Темир йўл вокзали”да жойлашган санитар поезди

Санитар поездлари бу – уруш тарихининг маҳсус саҳифасидир. Ушбу поездлар ғилдиракли госпиталлар бўлиб, у ерда жарроҳлик столининг атрофида кўплаб шифокор ва ҳамширалар ҳордиқ нималигини билмасдан куну-тун фаолият олиб борган. Бу каби поездлар уруш даврида миллионлаб bemor ва ярадорларни эвакогоспиталларга, шунингдек Ўзбекистонда жойлашган эвакогоспиталларга олиб борган.

Жангда ярадорларни ўз вақтида эвакуация қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Жанг майдонида биронта ҳам ярадорни қолдирмаслик қонун эди. Поездлар фронт чизигига бевосита яқин худудда харакатланган бўлиб, санитар ва ҳамширалар жанг майдонларидан келган ярадор жангчиларни қабул қилишган, яраларига ишлов беришган, жарроҳлик столида жарроҳлар зудлик билан амалга оширилиши лозим бўлган жарроҳлик амалиётини ўтказишган.

Ҳар бир ҳамширага 165 нафардан ярадор тўғри келган. Санитар поездларида ходимлар уйқудан воз кечиб ярадорларга хизмат кўрсатгандар. Ҳар тонг шифокор кўриги, муолажалар, боғлов ишлари, овқатланиш, вагонда тозаликка риоя қилиш тадбирлари ўтказилган. Сўнгра ярадорларга хат ёзишга кўмаклашишган ва ушбу хатларни уларга ўқиб беришган.

**Харбий-санитар поезді – уруш йилларида Республика мінистерсттің 18 та санитар поездлари ишлаб чиқарылған ва фронтта жүнатылған.
Музейимизда Иккінчи жағон уруши давридаги харбий-санитар поездінінг ичкари қисмінде бўлиш имкони мавжуд**





Поезд паровози




Темир йўл вокзали музейидаги паровоз ва санитар вагони макетлари

Санитар поездлари ҳар бир фронт ва ҳар бир армия тиббиёт хизматига керак бўлган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий-санитар поездлари фронтнинг олдинги чизикларидағи энг шиддатли жанг олиб борилаётган жойлардан ва жанг ўчоқларидан ёриб ўтиб, миллионлаб ярадорларни қутқарган, тиббиёт ходимлари эса душман артиллерия зарбалари ва авиаҳужумлари остида жангчилар ҳаётини сақлаб, қатъият ва қаҳрамонлик кўрсатган.

Урушнинг учинчи куни 1941 йилнинг 24 июн куни СССР мудофаа Халқ комиссарлиги мамлакат темир йўлларига 288 та ҳарбий-санитар поездлар ишлаб чиқариш ҳақида кўрсатма берди. Бунинг учун олти мингта вагон ажратилиб, темир йўлчилар штати белгиланди.



1941 йилнинг сентябр ойида вагон цехидан илк учта санитар поезди, келгуси икки ойда эса яна тўртта санитар поезди фронтга юборилди. Декабр ойида эса бир вақтнинг ўзида қизил хочли бешта поезд фронтга юборилди. Жами ўзбекистонлик темир йўлчилар томонидан фронтга 18 та санитар поезди ва бешта бронепоезд жўнатилди.



Темир йўл вокзали музейидаги санитар вагонининг ички кўриниши